



ЖАМОАВИЙ-ЛИДЕРЛИК КОМПЕТЕНТЛИГИ — БУ ШАХСНИНГ ЖАМОА ДОИРАСИДАГИ ИЖТИМОЙ-ПСИХОЛОГИК ЎЗАРО ТАЪСИРИ

Алауатдинов Сахабатдин Иниятдинович

*Қорақалпоқ давлат университети биринчи проректори
педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент
E-mail: alauatdinovsahabatdin@gmail.com*

Калит сўзлар: лидерлик эволюцияси, трансформацион лидерлик, тарқалган лидерлик, этнопедагогика, жамоавийлик.

Лидерлик феноменининг илмий эволюцияси унинг ижтимоий психология, менежмент, социология ва педагогика фанлари туташмасидаги энг кўп ўрганилган фундаментал йўналишлардан бири эканлигини кўрсатади. Ушбу концепциянинг мазмун-моҳияти тарихий тараққиёт жараёнида бир нечта методологик парадигмалар алмашинуви асосида трансформациялашиб борди. Агар дастлабки босқичларда лидерлик феномени шахснинг туғма хусусияти (Буюк инсон назарияси) сифатида талқин этилган бўлса, кейинчалик у хулқ-атвор моделлари, вазиятчи (ситуацион) ёндашувлар, жамоавий жараёнлар ҳамда компетенцияларнинг динамик тизими сифатида тадқиқ этила бошланди. Натижада, лидерлик ҳақидаги қарашлар чизикли шахсий сифатлардан кўп омилли комплекс ижтимоий-педагогик тизимгача ривожланди. Шу нуқтаи назардан, лидерлик назариясининг тарихий-генетик ривожланишини таҳлил қилиш мазкур тадқиқотнинг методологик пойдеворини белгилашда концептуал аҳамиятга эга.

Замонавий лидерлик назариясида янги парадигмал босқични Ж. Бернс (James MacGregor Burns) томонидан ишлаб чиқилган трансформацион ва транзакцион лидерлик концепцияси бошлаб берди, Олим лидерлик феноменини икки асосий турга ажратади. Транзакцион лидерликда муносабатлар асосан вазифаларни бажариш ва натижа учун мукофотлаш тизимига асосланса, трансформацион лидерликда лидер иштирокчиларни умумий ғоя атрофида бирлаштириш, уларни илҳомлантириш, шахсий салоҳиятини ривожлантириш ва тизимли ўзгаришларга етаклаш вазифасини бажаради. Кейинчалик Б. Басс (Bernard M. Bass) ва Б. Аволио (Bruce J. Avolio) мазкур назарияни янада такомиллаштириб, унинг асосий компонентлари, баҳолаш мезонлари ва амалий моделини ишлаб чиқдилар. Бу ёндашув ҳозирги вақтда таълим



соҳасида лидерлик компетентлигини шакллантиришнинг энг кенг қўлланиладиган назарий-методологик асосларидан бири ҳисобланади.

Лидерлик назариясининг кейинги тараққиётида Ж. Спиллейн (James P. Spillane) томонидан асосланган тарқалган лидерлик (distributed leadership) концепцияси алоҳида аҳамият касб этди. Ушбу назарияга кўра, лидерлик муайян бир шахсга тегишли монопол хусусият эмас, балки жамоа аъзолари ўртасида тақсимланадиган ҳамкорлик жараёнидир. Яъни, турли вазиятларда жамоанинг турли аъзолари ташаббус кўрсатиши, бошқаларни бирлаштириши ва муайян вазифаларни мувофиқлаштириши мумкин. Бу ёндашув методологик аҳамиятга эга, чунки жамоавий-лидерлик компетентлиги айнан лидерликнинг жамоада тақсимланиши ва ҳамкорлик асосида намоён бўлиши ғоясига таянади.

Шу билан бирга, замонавий лидерлик назарияси инсонпарварлик ва ахлоқий қадриятларга ҳам катта эътибор қарата бошлади. Р. Гринлиф (Robert K. Greenleaf) томонидан илгари сурилган хизматкор лидерлик (servant leadership) концепциясига кўра, ҳақиқий лидер аввало бошқаларга хизмат қиладиган, уларнинг эҳтиёжларини англайдиган ва жамоанинг ривожланиши учун маънавий масъулиятни ўз зиммасига оладиган шахсдир. Бу ёндашув миллий педагогикадаги жамоага хизмат қилиш, ҳамжиҳатлик ва маънавий масъулият ғоялари билан ҳамоҳангдир. Худди шунингдек, Б. Аволио ва В. Гарднер (William L. Gardner) томонидан ишлаб чиқилган аутентик лидерлик концепцияси лидернинг самимийлиги, ўз қадриятларига содиқлиги, ахлоқий барқарорлиги ва рефлексив ўз-ўзини англашига алоҳида эътибор қаратади. Бу ёндашув лидерликнинг ички психологик асосларини чуқурроқ тушуниш имконини беради.

Юқорида келтирилган турли назарий йўналишларни умумлаштиришга П. Нортхауз (Peter G. Northouse) ҳаракат қилган. Олим лидерлик бўйича турли назарияларни компетенциявий ёндашув нуқтаи назаридан синтез қилиб, лидерликни ривожлантириш мумкин бўлган комплекс қобилиятлар тизими сифатида талқин этади. Бу ёндашув лидерликни шахсий хусусиятлар, хулқ-атвор, вазиятли омиллар ва ахлоқий қадриятларни қамраб олувчи интегратив категория сифатида кўриш имконини яратади.

Бироқ ушбу назарияларни танқидий таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, уларнинг аксарияти ғарб маданий муҳити ва индивидуалистик қадриятлар тизими асосида ишлаб чиқилган бўлиб, уларда миллий-этнопедагогик хусусиятлар етарлича инобатга олинмаган. Айниқса, жамоавийликнинг миллий моделлари, маънавий етакчилик, этномаданий қадриятлар, жамоага хизмат қилиш тамойили ва халқ педагогикасида шаклланган лидерлик анъаналари мазкур концепцияларда



ўз аксини топмаган. Шу боис, лидерлик назарияларининг илмий ютуқлари миллий педагогика ва Қорақалпоғистон этнопедагогик тажрибаси билан интеграция қилиниб, бўлажак педагогларда жамоавий-лидерлик компетентлигини шакллантиришнинг миллий моделини ишлаб чиқиш асосий методологик вазифа сифатида белгиланади. Бу ёндашув халқаро лидерлик назариялари билан миллий педагогик кадриятларнинг диалектик синтезини таъминлашга хизмат қилади.

Минтақавий даражада, хусусан Қорақалпоғистон педагогика мактабида лидерлик ва етакчилик масалалари мустақил илмий категория сифатида эмас, балки халқ педагогикаси, миллий тарбия, этнопедагогика, маънавий кадриятлар ҳамда жамоавий муносабатлар тизими доирасида ўрганилган бўлиб, бу ҳолат минтақанинг тарихий-маданий хусусиятлари билан изоҳланади. Чунки қорақалпоқ халқининг анъанавий тарбия тизимида лидерлик алоҳида шахсий компетенция сифатида эмас, балки жамоага хизмат қилиш, катталарни ҳурмат қилиш, масъулиятни ҳис этиш, адолатли бўлиш, ҳамжихатликни таъминлаш ва ижтимоий ишончни қозониш каби миллий кадриятлар орқали шаклланган. Шу боис, Қорақалпоғистон олимларининг тадқиқотлари лидерликнинг миллий илдизлари, унинг этномаданий хусусиятлари ва халқ педагогикасидаги намоён бўлиш шакллари очиқ бериши билан муҳим назарий аҳамиятга эга.

Ушбу йўналишда Қ. Мақсетовнинг халқ педагогикасига бағишланган тадқиқотлари алоҳида ўрин тутаяди. Олим қорақалпоқ халқининг кўп асрлик тарбиявий анъаналарини таҳлил қилар экан, жамиятдаги анъанавий етакчилик институтлари — оқсоқоллар кенгаши, куча бийлари, маҳалла фаоллари, обрў-эътиборли катталар ҳамда жамоат фикрининг ёшлар тарбиясидаги ўрнини илмий жиҳатдан асослайди. Ушбу институтлар орқали ёшларда масъулият, интизом, жамоага садоқат, ижтимоий бурчни англаш, бошқарув маданияти ва ҳаётий қарор қабул қилиш қобилиятлари босқичма-босқич шаклланган. Бу жараёнда етакчилик расмий лавозим ёки ваколат орқали эмас, балки шахснинг ахлоқий нуфузи, ҳаётий тажрибаси, адолатпарварлиги, донишмандлиги ва жамоа томонидан эътироф этилиши асосида қарор топган. Шу жиҳатдан, халқ педагогикасида лидерлик ижтимоий ишонч ва маънавий обрўга таянувчи феномен сифатида намоён бўлади.

Мазкур этнопедагогик моделни жаҳон лидерлик назариялари билан қиёсий таҳлил қилиш унинг ўзига хос хусусиятларини янада яққол кўрсатади. Масалан, Р. Стогдилл томонидан илгари сурилган лидерлик концепциясида етакчилик кўпроқ шахснинг индивидуал хусусиятлари, ташаббускорлиги, ташкилотчилик қобилияти ва муайян вазиятда таъсир



кўрсата олиш имконияти билан боғланади . Худди шунингдек, Ж. Бернснинг трансформацион лидерлик назариясида лидер атрофидагиларни умумий мақсад сари илҳомлантирувчи, ўзгаришларни бошқарувчи ва инновацияларга етакловчи шахс сифатида талқин қилиниб, бу ёндашувларда лидерлик асосан шахсий қобилиятлар, касбий компетенциялар, ташаббускорлик ва самарали бошқарув кўникмалари орқали шаклланади ҳамда ташкилот ёки жамоада нисбатан қисқа вақт ичида намоён бўлиши мумкин.

Қорақалпоқ халқ педагогикасидаги етакчилик модели эса ушбу ёндашувлардан мазмунан фарқ қилади. Бу ерда лидерлик аввало авлодлар давомийлиги, ижтимоий тажриба, маънавий етуклик, катталар ҳурмати ва жамоа томонидан тан олинishi асосида шаклланади. Яъни, етакчилиikka эришиш инсоннинг шахсий хоҳиши ёки ташкилотчилиkk қобилияти билан эмас, балки узоқ йиллар давомида жамоа ишончини қозониши, ахлоқий намуна кўрсатиши ва ижтимоий масъулиятини амалда исботлаши билан боғлиқ. Демак, этнопедагогик ёндашувда лидерлик ижтимоий мақом эмас, балки маънавий камолот ва жамоа эътирофи натижаси сифатида талқин қилинади. Бу жиҳат миллий тарбия тизимининг ўзига хос хусусиятли детерминантаси ҳисобланади.

Амалга оширилган қиёсий-назарий таҳлил натижаларига таянган ҳолда «жамоавий-лидерлик компетентлиги» тушунчасининг муаллифлик таърифи ишлаб чиқилди. Бизнинг талқинимизга кўра:

Жамоавий-лидерлик компетентлиги — бу шахснинг жамоа доирасидаги ижтимоий-психологик ўзаро таъсир жараёнида, тарқалган лидерлик тамойиллари асосида, жамоа ва шахсий манфаатларни ўзаро уйғунлаштирган ҳолда ташаббус кўрсатиш, ҳамкорликни ташкил этиш, иштирокчиларни умумий мақсад сари сафарбар этиш, жамоавий қарор қабул қилиш, ижтимоий муносабатларни мувофиқлаштириш ҳамда белгиланган умумий натижага эришишни самарали ташкил этишда намоён бўладиган, когнитив, мотивацион-қадриятли, коммуникатив-ташкилий ва рефлексив-баҳоловчи компонентларнинг ўзаро интеграциясига асосланган динамик шахсий-ижтимоий сифатдир.

Мазкур таърифда лидерлик якка шахснинг устунлиги ёки расмий раҳбарлик мақоми сифатида эмас, балки жамоавий фаолият жараёнида иштирокчилар ўртасида табиий тақсимланадиган ва вазиятга қараб намоён бўладиган ижтимоий-педагогик жараён сифатида талқин қилинади. Шу нуқтаи назардан, жамоавий-лидерлик компетентлиги шахснинг нафақат бошқаларга таъсир кўрсата олиши, балки улар билан тенг ҳуқуқли ҳамкорлик қилиши, жамоавий масъулиятни ҳис қилиши, умумий мақсадларни шахсий манфаатлар билан мувофиқлаштириши,



ижтимоий муносабатларни бошқариши ҳамда жамоада ижобий психологик муҳитни шакллантириш қобилиятини ҳам қамраб олади. Демак, ушбу компетентликнинг мазмуни фақат бошқарув ёки ташкилотчилик билан чекланмай, балки инсонпарварлик, ҳамжиҳатлик, ижтимоий масъулияти, ҳамкорлик маданияти ва рефлексив ривожланиш каби замонавий компетенциявий таълим талабларини ҳам ўз ичига олади.

Таклиф этилаётган муаллифлик таърифи бир нечта фундаментал назарий ёндашувларнинг синтези асосида шакллантирилган. Аввало, у Ж. Спиллейн томонидан асосланган тарқалган лидерлик концепциясига таянади. Мазкур назарияга кўра, лидерлик муайян шахснинг хусусияти эмас, балки жамоада иштирок этувчи субъектлар ўртасида вазиятга қараб тақсимланадиган ҳамкорлик жараёни ҳисобланади. Бу ғоя жамоавий фаолият доирасида лидерлик компетентлигини шакллантиришнинг назарий пойдевори сифатида қабул қилинган.

Шунингдек, А.В. Хуторской (Andrey V. Khutorskoy) томонидан ишлаб чиқилган компетентликнинг динамик хусусияти ҳақидаги ёндашувга ҳам асосланади. Унга кўра, компетентлик ўзгармас статик ҳолат эмас, балки шахснинг таълим, амалий фаолият ва ижтимоий тажриба жараёнида мунтазам ривожланиб борадиган интегратив сифатидир. Бу ғоя жамоавий-лидерлик компетентлигини босқичма-босқич шакллантириш имкониятини назарий жиҳатдан асослашга хизмат қилади.

Шу билан бирга, Қорақалпоғистон олимлари Қ. Мақсетов ва Т.А. Пазилов тадқиқотларида ёритилган миллий-этнопедагогик лидерлик анъаналарини ҳам замонавий компетенциявий ёндашув билан интеграция қилади. Улар асослаган халқ педагогикаси, жамоавий масъулият, маънавий етакчилик, миллий кадриятларга таянган тарбия ҳамда фольклор орқали ижтимоий фазилатларни шакллантириш жамоавий-лидерлик компетентлигининг миллий мазмунини белгилайди. Шу тариқа, халқаро лидерлик ва компетентлик назарияларини миллий этнопедагогик анъаналар билан уйғунлаштирувчи интегратив назарий моделни ифода этади ҳамда бўлажак педагогларда жамоавий-лидерлик компетентлигини шакллантиришнинг концептуал асосини яратади.

Минтақавий-миллий контекстда жамоавийлик, компетентлик ва лидерлик тушунчаларининг юқорида амалга оширилган назарий синтези ўзига хос хусусиятга эга. Бу ўзига хослик, энг аввало, жаҳон лидерлик назариялари билан ўзбек ва қорақалпоқ халқ педагогикасида шаклланган етакчилик анъаналари ўртасидаги методологик фарқларда намоён бўлади. Ғарб педагогикаси ва менежмент назарияларида лидерлик кўпинча шахснинг индивидуал қобилиятлари, ташаббускорлиги, инновацион фикрлаши, рақобатбардошлиги ва мустақил қарор қабул қилиш салоҳияти



оркали изоҳланади. Бундай ёндашувларда лидер, аввало, ўзининг шахсий имкониятлари билан жамоани ортидан эргаштира оладиган, ўзгаришларни бошқарадиган ва юқори натижаларга эришишга қодир субъект сифатида талқин қилинади. Шу сабабли, ғарб лидерлик концепцияларида индивидуал муваффақият, шахсий масъулият ва рақобат муҳитига мослашиш масалалари марказий ўрин эгаллайди.

Қорақалпоқ ва умумўзбек этнопедагогикасида шаклланган лидерлик анъаналари эса мазмунан бошқача ижтимоий-фалсафий асосларга эга. Ў. Алеёв, Қ. Максетов, Қ. Жумамуратов ва А. Қожықбаев томонидан амалга оширилган тадқиқотлар шуни кўрсатадики, халқ педагогикасида етакчилик шахсий устунлик ёки рақобат натижаси сифатида эмас, балки жамоага хизмат қилиш, маънавий етуклик, катталар ҳурмати, ижтимоий масъулият, ўзаро ёрдам ва ҳамжиҳатлик тамойиллари асосида шаклланган ижтимоий мақом сифатида қаралади. Бу анъанада етакчи шахс ўз манфаатларини жамоа манфаатларидан устун қўймайди, аксинча, жамоа фаровонлиги, ижтимоий тотувлик ва умумий манфаатларни таъминлашни ўзининг асосий вазифаси деб билади. Шунинг учун, миллий педагогикада лидерлик ахлоқий фазилатлар, маънавий камолот ва халқ ишончини қозониш билан узвий боғлиқ бўлиб, унинг асосида хизмат қилиш ғояси устувор аҳамият касб этади.

Айниқса, қорақалпоқ халқ педагогикасида оқсоқоллар институти, куча бийлари, маҳалла фаоллари ва жамоатчилик маслаҳати тизими етакчилиكنинг муҳим ижтимоий механизми сифатида шаклланган. Ушбу тизимда шахснинг етакчилик мақоми унинг расмий ваколати билан эмас, балки ҳаётий тажрибаси, донишмандлиги, адолатпарварлиги, одамлар ўртасидаги обрўси ва жамоа олдидаги хизматлари билан белгиланади. Бундай ёндашув ёш авлодда жамоавий масъулият, ўзаро ҳурмат, ҳамкорлик, фидойилик ва ижтимоий бурч ҳиссини шакллантиришга хизмат қилади. Демак, миллий этнопедагогик анъаналарда лидерлик индивидуал рақобатга эмас, балки жамоавий бирдамлик ва маънавий етакчиликка таянади.

Шу билан бирга, мазкур икки парадигма — ғарб лидерлик назарияси ва миллий этнопедагогик ёндашув — бир-бирига мутлақо қарама-қарши тизимлар сифатида эмас, балки ўзаро бойитиш имкониятига эга бўлган назарий йўналишлар сифатида қаралиши лозим. Чунки замонавий таълим тизими ҳам шахснинг мустақиллиги, ташаббускорлиги ва инновацион фикрлашини, ҳам жамоавий масъулият, ижтимоий ҳамкорлик ва маънавий кадриятларга содиқлигини бир вақтнинг ўзида талаб этади. Шу нуқтаи назардан, ушбу икки ёндашув ўртасидаги фарқни механик равишда



бартараф этиш эмас, балки уларнинг ижобий жиҳатларини илмий асосда интеграция қилиш муҳим методологик вазифа ҳисобланади.

Бу интеграциянинг назарий асосини О.А. Мусурмонова томонидан ишлаб чиқилган маънавий тарбия концепцияси ташкил этади. Олимнинг таъкидлашича, шахснинг ҳақиқий камолоти унинг шахсий манфаатлари жамият манфаатлари билан уйғунлашгандагина тўлиқ намоён бўлади. Мазкур ғоя индивидуал ривожланиш ва ижтимоий масъулият ўртасидаги мувозанатни таъминловчи муҳим педагогик тамойил сифатида қаралади. Демак, шахснинг лидерлик қобилияти унинг фақат бошқарув маҳорати ёки ташаббускорлиги билан эмас, балки жамоа олдидаги масъулияти, маънавий етуклиги, инсонпарварлиги ва ижтимоий бурчини англаши билан ҳам белгиланади. Бу эса жамоавий-лидерлик компетентлиги концепциясининг аксиологик асосини ташкил этади.

Миллий педагогикада мазкур диалектик ёндашувнинг амалий ифодаси Р.А. Мавлонова ва ҳаммуаллифлар томонидан яратилган педагогика дарсликларида ҳам ўз аксини топган. Ушбу манбаларда тарбия жараёни шахснинг интеллектуал, маънавий, ахлоқий ва ижтимоий ривожланишини таъминловчи яхлит педагогик тизим сифатида талқин қилиниб, таълим ва тарбиянинг ўзаро интеграциясига алоҳида эътибор қаратилган. Муаллифлар таълим жараёнида ҳамкорлик, жамоавий фаолият, маънавий тарбия, ижтимоий масъулият ва фуқаролик позициясини шакллантиришнинг умумметодологик асосларини белгилаб берадилар. Бу ёндашув замонавий компетенциявий таълим талаблари билан миллий педагогик кадриятларни уйғунлаштириш имкониятини яратади ҳамда олий таълим муассасаларида бўлажак педагогларни тайёрлашнинг назарий асосларини бойитади.

Шундай қилиб, амалга оширилган назарий таҳлил шуни кўрсатадики, жаҳон лидерлик назариялари билан миллий этнопедагогик анъаналар ўртасидаги муносабат қарама-қаршилик эмас, балки ўзаро тўлдирувчи диалектик бирлик хусусиятига эга. Ғарб лидерлик назариялари шахснинг ташаббускорлиги, инновацион фикрлаши ва бошқарув қобилиятларини ривожлантириш учун муҳим назарий асос бўлса, миллий педагогика жамоавий масъулият, маънавий етакчилик, ижтимоий ҳамжиҳатлик ва миллий кадриятларга таянган тарбиянинг мустаҳкам пойдеворини яратади. Ана шу икки йўналишнинг илмий синтези жамоавий-лидерлик компетентлиги концепциясининг методологик негизини ташкил этади ҳамда таркибий-функционал модели, унинг компонентлари, педагогик шарт-шароитлари ва амалга ошириш механизмларини ишлаб чиқиш учун назарий-методологик кўприк вазифасини бажаради.



ЛИТЕРАТУРА

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Маънавият ва маърифат маркази фаолиятига оид меъёрий ҳужжатлар.
2. Мусурмонова О.А. Маънавий тарбия асослари. – Тошкент: Fan, 2007. – 216 б.
3. Pazilov Tóre Abdullaevich. Boshlang'ich sinf o'quvchilarini vatanparvarlik ruhida tarbiyalashda qoraqalpoq folklori namunalaridan foydalanishni takomillashtirish (Qoraqalpoq sinflari misolida): monografiya. – Nókis: PIXEL FLASH PRINT, 2025. – 106 b.
4. Алеёв Өсербай. Халық педагогикасы ҳам тәрбия мәселелери. – Нөкис, 2001.
6. Мақсетов Қаллыбек. Қарақалпақ халық педагогикасы. – Нөкис: Қарақалпақстан, 1995.
7. Жумамуратов Қаллибек. Қарақалпақ этнопедагогикасы. – Нөкис, 2008.
8. Қожықбаев Аманбай. Қарақалпақ педагогикалық ойларының тарийхы. – Нөкис, 1998.